

# ШАХС ХУЛҚ АТВОРИНИНГ ИЖТИМОЙ НАЗОРАТИ

Матлюба Қаххорова  
Ўзбекистон халқаро ислом академияси  
Халқаро муносабатлар ва ижтимоий  
фанлар кафедраси профессори,  
фалсафа фанлари доктори  
[matlyuba71@mail.ru](mailto:matlyuba71@mail.ru)

Ижтимоий назорат назорат қилишнинг ўзига хос бўлган муҳим турларидан бири ҳисобланади. Ўз даврида машҳур позитивист файласуф Герберт Спенсер<sup>1</sup> "Ахлоқ фанининг асослари", "Тарбия" каби асарларида ижтимоий назорат масаласига эътибор қаратган. Маълумки, ижтимоий назорат бу – текширув, жамият ва ижтимоий гурухларнинг шахсга унинг хулқ-атворини тўғрилаш, муайян умумийлик меъёрларида умумқабул қилинган қоидаларга мувофиқлаштириш мақсадида шахсга таъсир ўтказиш усуллари тизимиdir. Ижтимоий назорат ижтимоий тизим барқарорлигига эришиш ва уни сақлашга ҳамда унинг ижобий ривожланишини таъминлашга хизмат қилади. Албатта ижтимоий назорат мазмунига чегара қўйиш нисбий тушунча. Бир қатор назариётчи олимлар томонидан назоратнинг бевосита ҳамда яқуний мақсадларини кўрсатиб ўтилади. Хусусан, Р.А.Лапернинг фикрича, ижтимоий назорат – индивиднинг маданиятни ўзлаштириш жараёнини таъминловчи ва авлоддан авлодга ўтувчи восита деб қаралади. Энг самаралиси гурух томонидан амалга ошириладиган ижтимоий назорат гурух аъзоларида ўзини-ўзи назоратни шакллантиради ва уларга мазкур гурух ва умуман ижтимоий фикрда муваффакиятли уйғунлашишга имкон беради<sup>2</sup>. Олимларнинг фикрича, назоратнинг бевосита мақсади – жамиятдаги субъектларнинг муносабатларида ҳамда фаолиятнинг белгиланган қонун-қоидаларида ўз ифодасини топади. Шу жиҳатдан ижтимоий назорат фаолиятини самарали ташкил этишга хизмат қиладиган бефарқликни жиловлаб, дахлдорлик ҳиссини шакллантириш масалаларига алоҳида эътибор қаратади. Ижтимоий назоратнинг уч шакли мавжуд:

- оддий (асосан мажбурловчи) санкциялар;
- жамоатчилик фикри;
- ижтимоий институтлар<sup>3</sup>.

Ижтимоий назорат тартибга солиш соҳаси ва жамиятда мавжудлигига қараб қўйидаги турларга бўлинади:

- оила назорати;
- жамоатчилик назорати;
- диний назорат;
- давлат назорати ва шунга ўхшаш назорат институтлари. Давлат назорати юқоридаги таснифда асосий ўринни эгаллайди. Яъни,

<sup>1</sup> Қаранг Гилинский Я.И. Девиантность и социальный контроль в мире постмодерна: краткий очерк / Я.И. Гилинский // Общество и человек. — 2015. — № 3–4 (12). — С. 89–99..

<sup>2</sup> Ижтимоий ҳимоя: атамалар изоҳли лугати. Сайдов.М.Х ва бошқ. -Т.: 2007. -Б. 133.

<sup>3</sup> Ўша манба. - Б. 436.

қонунчиликнинг бузилиши, кишилар ва фуқароларнинг хуқуқлари эркинликлари ва қонуний манфаатлари камситилишининг олдини олишга йўналтирилган давлат идоралари, жамоатчилик уюшмалари (ташкилотлар) фаолиятидир<sup>4</sup>. Давлат назорати – (хуқуқда) давлат ҳокимиятини амалга оширишнинг давлат органлари чиқарадиган қонунларга ва бошқа норматив-хуқуқий хужжатларга риоя этилишини таъминлайдиган шаклларидан биридир<sup>5</sup>.

Ижтимоий назоратнинг мазмунида аввало, жамият муҳитида ҳам маънан, ҳам иқтисодий барқарорликни таъминлаш, мўътадилликни мустаҳкамлаш мақсадида шахс ва жамият ўртасидаги муносабатларни тартибга солиш, қатъий тартиб қоида, интизомийлилик, ижтимоий қабул қилинадиган хулқ -атвор моделларининг сақлаш каби ижтимоий тизимнинг самарали ишлашини таъминлайдиган жараёнлар ва механизмлар тизими ўз ифодасини топади. У инсон хулқ -атворини меъёрий тартибга солиш орқали амалга оширилади ва ижтимоий меъёрларга риоя қилишни таъминлайди.

Ижтимоий назоратни амалга оширувчи институт сифатида маҳалла ва оиласарда шахс хулқ атворининг хатти -ҳаракатларига маҳалла жамоаси ва оила аъзоларининг муносабати ўта нозик назорат турларидан бири бўлиб, ҳам расмий ва норасмий бошқарилади, мониторинг ва назорат қилинади. Хусусан, огоҳлантириш, муҳокама қилиш, (шахсни ножӯя қилинган ҳаракат учун оила ва маҳалла жамоаси томонидан уялтириш, тарбиявий йўналтириш, хулқ-одобини коррекциялаш, ёхуд ижобий, фазилатли ҳатти-ҳаракатлар ва фаолияти учун шахснинг фаолиятини ёки ишини рағбатлантириш, мақтовлар, миннатдорчилик, эътироф этиш, касбий, илмий ютуқлар учун маънавий ва моддий мукофотлар кабилардир. Улар ичida муҳим ўрин тутадиган ижтимоий муҳит қисмларидан бири оила муҳити бўлиб, айнан оила шахснинг ғоявий, сиёсий, иқтисодий қарашларини шакллантирувчи, теварак-атрофга, дунёга муносабатлари тизимини, яъни дунёқарashi, эътиқоди, эҳтиёжлари, қизиқишлиари, идеаллари, мотивлари, ҳаётий мақсади йўналишини белгиловчи микромуҳит ҳисобланади. Ундаги маънавий-ахлоқий муҳит шахс имкониятларини шакллантиради, унинг ижтимоий борлиқ билан муносабатларини ва мулоқотини юзага келтиради.

Оила омилиниң илмий фалсафий тавсифи мамлакатнинг иқтисодий, сиёсий, ижтимоий ривожланишини белгилашда муҳим аҳамият касб этади. Жамият ҳаётининг ўзгариши, маълум жиҳатдан оилага, унинг аъзоларига боғлиқ бўлганлиги боис, бу муаммони ўрганиш ва таҳлил этиш долзарб жараён ҳисобланади. Чунки, оиланиң ижтимоий институт сифатидаги функциясини, бажарадиган вазифаларини бошқа бирон бир тузилма бажара олмайди. Биринчидан, у инсон учун энг яхши хулқ намуналарини ўзлаштиради, иккинчидан, бошқа муҳитлар билан ҳамкорлик қиласи, учинчидан, мулоқотни мустаҳкамлайди, тўртинчидан энг муҳим масала авлодлараро жамланган “ҳаёт тажрибалари”ни ворисийлик қонунияти

<sup>4</sup> Қаранг: Примеры социального контроля: от общественного мнения до норм и санкций. <https://nauchniestati.ru/spravka/primery-soczialnogo-kontrolya/>.

<sup>5</sup> “Юридик энциклопедия”. Таджиханов таҳрири остида. Т.: “Шарқ”. 2001. -Б. 656.

асосида давомийлигини таъминлайди. Оила маънавий-ахлоқий муҳитини ўрганишда фикр янгилиги ва маънавий етуклик парадигмаси асосли бўлиб, ўзига хос кўринишда намоён бўлади. Маънавий етукликка интилиш бу жамият ҳаёти ва инсон фаолиятида шахснинг ўз инсоний позициясига мустаҳкам эга бўлиши бўлиб, у ижтимоий-ахлоқий мезонлар асосида хулқатворга мувофиқ яшашидир. Шу боис ҳам оила маънавий-ахлоқий муҳитини фикр ва маънавий даража нуқтаи назаридан ўрганиш муҳим аҳамият касб этмоқда.

Инсон маънавиятини шакллантиришнинг энг мақбул маскани оиладир. Оила қайси миллатга мансуб бўлса, ўша халқнинг маънавиятини ўзида мужассамлаштириб, бир неча асрлик тарихга эга бўлган анъаналарни, маънавиятни авлоддан-авлодга етказади. Зеро, шахс маънавияти, унинг дунёқараши, эътиқоди, ҳаётий тамойиллари, идеаллари, қадриятлари, кўникумалар мажмуи асосан оилада шаклланади. Шу маънода, оила маънавият қўрғони ҳисобланаб, оила қайси миллатга тааллуқли бўлса, ўша миллатнинг маънавиятини ўзида акс эттиради. Демак, ўзбек оиласининг ўзига хос миллий характеристириб, оиладаги шахслараро муносабатларда намоён бўлиши, турли оилавий маросимлар, урф-одатлар, анъаналар, миллий-маънавий қадриятларимиз оила орқали намоён бўлади. Ўзбек оилаларидағи ўзаро ҳурмат, эҳтиром, ота-онага эъзоз, фарзандларга меҳр-шафқат ва кичикларга иззат-икром бу кишини баркамол инсон, мукаммал шахс сифатида шакллантирадиган, ахлоқий ва маънавий жиҳатдан гўзал ҳамда етук қиласиган, инсоний фазилатларни ривожлантирадиган қадриятлар бўлиб ҳисобланади. Ва бу қадриятларнинг мазмун-моҳияти фарзандлар онгига дастлаб оила муҳитида тарбия орқали сингдирилади. Бунда инсоннинг ахлоқий онги, хулқатвори ва фаолияти аксиологик асосларда йўналтирилиб борилади.

Шунингдек, маҳалла жамоаси ва оила аъзолари томонидан шахс хулқатворининг ижтимоий назорат қилишнинг норасмий турига оилаларда, қариндошлар, дўстлар ва бошқаларни маъқуллаш ёки қоралаш ижтимоий назорат қилишнинг расмий (институционал) турига – маҳалла аъзолари ва фаоллар ёрдамига асосланган фаолиятни келтириш мумкин.

Маҳалла ва оилаларда шахс хулқатворини ижтимоий назорат қилиш усуслари ҳам ўзига хос бўлиб, ижтимоий назоратнинг давлат назорати, жамоатчилик назорати, диний назорат ва шунга ўхшаш назорат институтларидан муайян даражада фарқ қилиши билан бирга уларнинг функцияларини амалга оширишда боғловчи муҳит вазифаси ҳам бажаради. Унда яккаланиш, изоляция усусларидан фойдаланиш мутлоқ мумкин эмас. Оилада шахс хулқатворини ижтимоий назорат қилишда кузатиш, ташҳис, реабилитация, ўзини - ўзи назорат қилиш ва коррекциялаш усусларидан ўринли ва манзилли фойдаланиш ижобий самара беради. Хусусан, шахс хулқатворидаги девиантликка мойиллик жиҳатларини коррекциялаш ва оила, жамият муҳитига мослаштиришда, ижтимоий мослаштирув жараёнларида реабилитация усули қўл келади. Бунда шахс одатий ҳаётга қайтиш ва жамиятдаги ижтимоий ролларини тўғри бажаришга тайёргарлик кўриш

имконияти юзага келади. Шахс хулқ - авторидаги муайян иллатларга мойилликка қарши ижтимоий назоратнинг ўзини - ўз назорат қилиш ички шаклини тадбиқ этиш мақсадга мувофиқ бўлиб, бунда шахс ўз хатти-ҳаракатини мустақил равишда тартибга солади, уни умумий қабул қилинган меъёрларга мослаштиради. Бунда ахлоқий категориялардан бири виждон - назоратнинг қўриниши сифатида намоён бўлади.

Оила соғлом ва баркамол авлодни шакллантирувчи асосий бўғин. Унда ёш авлоднинг, ота-онаси, оиласи, Ватани, халқига муносиб хизмат қиладиган комил инсон бўлиб улғайиши учун оиладаги назорат жуда муҳимдир. Ўзбек оилаларида шахснинг хулқ автори ижтимоий назорат остига олинади. Яхши хулқ инсонларни бир-бирига меҳрли, ҳамкор ва муросали бўлишини таъминлайди. Агар ҳар бир оилада фарзанд чиройли хулқ эгаси қилиб тарбияланса, маънавий-ахлоқий муҳит барқарорлашади. Ҳолбуки, жамиятда пайдо бўлган ҳар қандай ижтимоий иллат шахс ахлоқий хулқ-авторига хос меъёрий мезонларнинг бузилишидан, оила тарбияси издан чиқишидан ҳосил бўлиши сир эмас.

Халқимиз «Болага етти қўшни ота-она» нақлида бола тарбияси учун барча масъуллигини чуқур ифодалаб берган. Яхши хулқ жамият муҳитининг барча босқичлари томонидан рағбатлантирилиб келинади. Бунинг ёрқин қўриниши сифатида халқда «отасига раҳмат», ёмон хулқ эса танқидий муҳокама қилиниб, «падарига лаънат» шаклида ифодаланишини келтиришимиз мумкин.

Шунинг учун «Одамлар нима дейди?» қабилидаги савол шахсни кўп ҳолларда ножўя хатти- ҳаракатлар, ёмон хулқ-автордан сақлайди. «Маҳаллам нима дейди?», «Қўни-қўшни нима дейди?» деган саволларни ўзига бериб, ёмон, нотўғри йўлларга киришдан сақланади. Бу ҳолатни эса ўзбек оиласига мансуб бўлган ижтимоий назорат сифатида баҳолаш мумкин. Шунингдек, оила муҳитида шахс хулқ-авторини шакллантиришда ижтимоий назорат энг катта хатарлардан бири бўлмиш ташқаридан бўладиган салбий таъсирлар масаласига ҳам алоҳида эътиборни талаб қиласи. Чунки оиладаги ижтимоий назорат муаян даражада шахс хулқ-авторини блоклашга, унинг “эркинликка” чиқишига йўл қўймайди. Бу эса ёшларда ўз қизиқиш ва рағбатларини қондирадиган сабабларни ташқаридан излаш вазиятини яратибгина қолмай балки уни сусистеъмол қилинишига ҳам сабаб бўлади. Шу боисдан тарбия масаласида маҳалла ва оила муҳити айниқса, ота-она ўз фарзандининг ташқи ҳаётига ҳам жиддий эътибор қаратиши талаб этилади. Яъни, улар фарзандининг нафақат оила муҳитидаги, балки, маҳалла, таълим, табиат муҳитидаги, бўш вақтидаги фаолияти, машғулоти нима билан шуғулланишини назорат қилиш лозим. Бу назорат унинг шахсиятини, эркинликларини чеклаш, унинг шахсиятига дахл қилиш эмас балки, инсон қалби ва онги учун кетаётган кураш жараёнида ота-она эътиборидан узоқлашиш фарзандларимизни, ёш авлодни ёт ғоялар таъсиридан, деструктив кучлардан химоя қилишдир. Маҳалла ва оилаларда ижтимоий назоратнинг сусайиши, ёш авлодни ихтиёрини тўлиқ ўзига қўйиш оқибатида фарзанд турли бузук ишлар, ичиш, чекиш ва баъзи ҳаёсиз амалларга қўл уриши, бу

каби девиантликка мойил ёшлар мисолида жамиятда носоғлом мұхит юзага келишига замин яратади. Шу боис ҳам оила мұхитида тарбия масаласига жиддий әътибор қаратилиб фарзандлар тарбияси мұкаммал бўлмаса, ташқаридан хавф тугдирадиган атроф-мухит таъсирига әътибор қаратилмаса, оқибати ёмон бўлади.

Ижтимоий назорат шахснинг тарбиясида, хулқ-авторида, одамлар билан бўладиган мулоқоти, муносабатида катта аҳамиятга эгадир. Шу маънода, соғлом маънавий-ахлоқий мұхитни шакллантириш ва маънавий идеални тарбиялашда оиласа ижтимоий назоратнинг ўрни мұхим ҳисобланади. Ирода, бурч ва масъулият олий маънавий-ахлоқий фазилатлар бўлсада, улар муайян маънавий мұхитда шахснинг хулқ-автори ва хатти-ҳаракатида намоён бўлади. Бу сифатлар шахсни ахлоқий жиҳатдан мудом юксалиб боришига туртки бериб туради. Шу маънода шахсни маънавий-ахлоқий тарбиялаб борища важ-сабабларнинг мұхим ўрин тутишини эътироф этиш лозим. Оиласа маънавий-ахлоқий мұхит шахс ахлоқий онги, хулқ-автори ва фаолиятида ҳал қилувчи ҳамда тамал тоши бўлувчи омил ҳисобланади. Оиланингмаънавий-ахлоқий мұхити маҳалла, меҳнат жойи ва жамоат масканларидағи ахлоқий ҳолат ҳамда даражани йўналтириб туриши билан умумий хусусиятга эга.

#### **Фойдаланилган адабиётлар рўйхати**

1. Мирзиёев Ш. Янги Ўзбекистон стратегияси. – Тошкент: “O‘zbekiston”. 2021. – 458 б.
2. Самаров Р.С. Оилавий ҳаёт мувозанати жамият тараққиётининг асоси // Соғлом оила – одоб маҳалла негизи. Республика “Оила” илмий-амалий марказининг мақолалар тўплами. Тошкент, 2003. – Б. 65 – 72.
3. Шайх Мұхаммад Содик Мұхаммад Юсуф. Баҳтиёр оила. – Тошкент, 2012.
4. Хондамир F.Б. Макоримул-ахлоқ (яхши хулқлар). – Тошкент: F.Гулом, 1967. – 97 б.
5. Нурмухаммедов Р.И., ва бошқалар. Маънавият этика ва эстетика тарбияси: (Хулқ-автор ва нутқ маданияти., тиббий ахлоқ ва деонтология). –Тошкент: Абу Али Ибн Сино номидаги тиббиёт нашриёти, 2000. – 72 б
6. Фалсафа қомусий луғат. –Тошкент.: “Ўзбекистон файласуфлари миллий жамияти нашриёти”, 2010. -149 б.
7. Ўзбекистон миллий энциклопедияси. «Ўзбекистон миллий энциклопедияси» Давлат илмий нашриёти.-Тошкент. / <https://qomus.info/> onlayn ensiklopediya.
8. <https://avtovsamare.ru/uz/v-chem-sostoit-znachenie-socialnogo-kontrolya-socialnyi-kontrol---vidy-i/>
9. И.М. Шопина, Д.Г. Мулявка, С.К. Гречанюк, В.В. Федчишина Совершенствование социального контроля как направления предупреждения преступности.
10. Гилинский Я.И. Девиантность и социальный контроль в мире постмодерна: краткий очерк / Я.И. Гилинский // Общество и человек. — 2015. — № 3–4 (12). — С. 89–99.  
Примеры социального контроля: от общественного мнения до норм и санкций.  
<https://nauchniestati.ru/spravka/primery-soczialnogo-kontrolya/>